

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ПРЕДМЕТИ ВА
ОБЪЕКТНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Аминов Шохрух Азаматович

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Прокурорлик
фаолияти” магистратура тингловчиси

***Аннотация:** ушбу илмий тадқиқот иши электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг назарий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишга бағишланган. Асарда прокурор назорати тушунчаси, аҳамияти, вазифалари ҳамда унинг предмети ва объекти аниқланади. Электр энергетика тизимидаги ҳуқуқбузарликлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ролини кучайтириш зарурати асослаб берилади. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик ва илмий қарашлар таҳлили асосида прокурор назоратининг предмет ва объектларига янгича ёндашув илгари сурилади. Электр энергетика соҳасидаги назоратнинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва соҳада қонунийликни таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу тадқиқот прокурор назорати назарияси ва амалиётига оид билимларни бойитишга хизмат қилади.*

***Калит сўзлар:** прокурор назорати; электр энергетика; ҳуқуқий асослар; назорат объекти; назорат предмети; давлат назорати; энергия самарадорлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.*

**НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРЕДМЕТА И
ОБЪЕКТА ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКЕ**

Аминов Шохрух Азаматович

Магистр по направлению "Прокурорская деятельность" Правоохранительной
Академии Республики Узбекистан

Аннотация: данная научно-исследовательская работа посвящена анализу теоретических и правовых основ прокурорского надзора за исполнением законов в электроэнергетике. В работе определены понятие, значение, задачи, его предмет и объект. Обоснована необходимость усиления роли органов прокуратуры в защите прав потребителей и правонарушений в электроэнергетической системе. При этом на основе анализа действующего законодательства и научных взглядов выдвигается новый подход к субъектам и объектам прокурорского надзора. Разработаны практические предложения и рекомендации по повышению эффективности надзора в электроэнергетике, защите законных интересов граждан, обеспечению законности в отрасли. Данное исследование направлено на обогащение знаний теории и практики прокурорского надзора.

Ключевые слова: прокурорский надзор; электроэнергия; правовые основания; объект контроля; субъект контроля; государственный контроль; энергоэффективность; нормативные правовые документы.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS OF THE SUBJECT AND OBJECT OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION IN THE ELECTRIC POWER SECTOR

Aminov Shokhrukh Azamatovich

Master's student "Prosecutorial activity" of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this scientific research work is devoted to the analysis of the theoretical and legal foundations of prosecutorial supervision over the implementation of laws in the electric power sector. The work defines the concept, significance, tasks, and its subject and object. The need to strengthen the role of prosecutorial bodies in protecting the rights of consumers and violations in the

electric power system is substantiated. At the same time, based on the analysis of current legislation and scientific views, a new approach to the subjects and objects of prosecutorial supervision is put forward. Practical proposals and recommendations are developed to increase the effectiveness of supervision in the electric power sector, protect the legitimate interests of citizens, and ensure legality in the sector. This study serves to enrich the knowledge of the theory and practice of prosecutor's supervision.

Keywords: *prosecutor control; electric energy; legal grounds; object of control; control subject; state control; energy efficiency; regulatory legal documents.*

Электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг илмий-назарий асосларини таҳлил этишдан аввал прокурор назоратининг аҳамияти, тушунчаси ва мазмунини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилиши, йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттли 7 та электр станциясини ишга туширилганлиги, келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунига етказилиши, айрим вилоятларда барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб

чиқарилиши ва бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпайишини алоҳида таъкидлаган.¹

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали бозор механизмларини жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, электр ҳисоблагичларни “айланиб ўтиш”, ҳисоблагичлар функциясига таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдаланиш, истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни қалбакилаштириш каби ҳолатлар учрамоқда.

Бу эса ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш, олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, соҳа модернизацияси учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, истеъмолчилар томонидан энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда самарали прокурор назоратини йўлга қўйишни талаб этади.

Юридик адабиётларда прокурор назоратига бир қатор таърифлар берилган. Маълумки, прокурор назорати – прокуратуранинг қонунлар ижроси, уларнинг тўғри ва самарали қўлланилишини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022 // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
SJIF: 5.051

Хусусан, профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда.²

Шу каби, профессор Ф.Х.Рахимовнинг фикрича, “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўриниши”.³

М.Рустамбаев фикрича, “Прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.”⁴

Ҳуқуқшунос олим А.Б.Комилов тўғри таъкидлаганидек, прокуратура органлари муқаддам ҳуқуқий ҳимоя тизимида махсус фаолият йўналиши

² Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2017, №4 (32). – Б. 27-28.

³ Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. -Т.: Ношир. 2008. -Б. 87-94.

⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 8-12.

сифатида иш олиб борган бўлса, эндиликда, анъанавий қонунлар ижроси устидан прокурор назорати орқали ҳуқуқий ҳимояни амалга оширмоқда.⁵

Ш.Ж.Рахимов эса прокурор назорати давлат томонидан қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун ўта муҳим соҳада энг самарали, изчил ва ўзига хос назорат шакли эканлиги, қонун устуворлигига асосланиб, унга аниқ ва қатъий риоя этиш, инсон ва фуқаронинг, жамият ва давлатнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланиши ҳақида фикрларни илгари сурган.⁶

Электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига таъриф беришда, аввало, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокуратура органлари зиммасига юклатилаётган вазифалар ва амалдаги қонунчиликка биноан ушбу тизимга берилаётган ваколатлар нуқтаи назаридан ёндашишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, **электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати** — бу прокуратура органларининг электр энергетикаси соҳасидаги ҳуқуқий нормаларнинг самарали ва тўғри бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш

⁵ Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2020. – 5 бет.

⁶ Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2022 й. – 22 бет.

ва олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, мамлакат энергетик хавфсизлигини таъминлашга оид фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети аниқлашга бўлган объектив зарурат вужудга келмоқда. Фикримизча, ушбу назорат йўналишини прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш унинг предмети аниқ ажратиб кўрсатишни тақозо этади.

Бироқ, прокурор назорати назариясида бу борада ҳанузгача ягона илмий қарашлар шаклланмаган. Жумладан, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари Б.Х.Пўлатов,⁷ Ф.Х.Рахимов,⁸ З.С.Ибрагимов,⁹ М.Х.Рустамбаев,¹⁰ О.М.Мадалиев¹¹ томонидан прокурор назорати бу қонунлар ижросини назорат қилиш эканлиги тўғрисидаги бир-бирига ўхшаш таърифлар илгари сурилган.

Ушбу олимлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ёритишда “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 20-

⁷ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати // Дарслик. -Тошкент, “Ўзбекистон”. 2009. – Б. 545.

⁸ Рахимов Ф.Х. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги Қонуннинг бажарилишини таъминлашда прокурор назорати // Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати (илмий-амалий тўплам). -Тошкент, “Ўқитувчи”. 2000. - 4 бет.

⁹ Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили). Монография. – Т.: “Noshir”, 2011. – 66-76-бетлар.

¹⁰ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 8-12.

¹¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -Б. 45-46. SJIF: 5.051

моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган. Унга кўра, назорат предметини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ташкил қилади. Шу каби, ҳуқуқшунос олим Б.Хамидов ҳам ушбу фикрларга ўхшаш ғояни илгари сурган.¹²

Бироқ М.Т.Абдуҳакимов тўғри таъкидлаганидек, прокурор назоратига берилган таърифлардан фарқли равишда муайян соҳадаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети борасида турлича фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Чунончи, Б.Коробейниковнинг таъкидлашича, “прокурор назоратининг предмети ўзида прокурор фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар соҳасини камраб олади. Прокурор назоратининг моҳияти шундаки, прокурор фаолияти қонун талабларини бажарилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган”.¹³

Бу таъриф мунозарали бўлиб, ҳар бир қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги прокурор назоратининг предмети ҳам турлича бўлишини тақозо этади.

¹² Муаллифлар жамоаси. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 62.

¹³ Идилова Ж.Н. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о защите малого и среднего предпринимательства: состояние и пути оптимизации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: 2012. – С. 84.

Шундай экан, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўз тадқиқот ишларида тадқиқот предметида келиб чиққан ҳолда прокурор назоратининг предметиға таърифлар ишлаб чиқилиши прокурор назорати билан прокурор назоратининг предмети ўртасидаги муайян чегара ва меъзонларни аниқлаштириш учун ҳам муҳим ҳисобланади.¹⁴

Чунки, юридик адабиётларда “ижтимоий муносабатлар жамиятда кишилар ўртасида юзага келадиган онгли, мақсадга йўналтирилган алоқалардир”¹⁵, деб ифода этилган. Прокурор эса, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида шахслар ўртасида юзага келадиган алоқаларга эмас, балки қайд этилган қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши, улар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигига эътиборни қаратиши билан белгиланган.

Электр энергетика соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети электр энергиясини истеъмол қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси ва бу борада прокурор ҳал қилиши керак бўлган вазифаларни белгилайди.

Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси прокуратура назоратининг умумий вазифалари доирасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

¹⁴ Абдуҳақимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2023. – Б.19.

¹⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. – Б. 204.

Ушбу вазифаларнинг моҳияти жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат тизимини мустаҳкамлашга қаратилган.

Умумий вазифаларнинг мазмуни прокурорнинг қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятини амалга оширишда методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ихтисослашган ва махсус вазифаларни билиш прокурорга назарий жиҳатдан ишни тўғри йўлга қўйиш, ишни аниқ ва самарали олиб бориш имконини беради. Биз ушбу вазифаларга кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Бизнингча, прокурор назорати предмети тўғрисида фикр юритганда, энг аввало, “предмет” тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, луғатларда “фикр нимага йўналтирилган бўлса, унинг барчаси “предмет”¹⁶, ҳисобланиши баён этилган. Ушбу нуқтаи назардан предметга нисбатан фикр, ғоя, эътибор йўналтирилган бўлиши тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу боис назаримизда, электр энергетика соҳасидаги қонунларнинг масъул масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ижро этилиши ва улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги **назорат предмети** ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда, қонунларнинг ижро этилиши ҳамда қабул

¹⁶ Логический словарь-справочник / Н.И.Кондаков., отв. ред. Д.П.Горский. – М.: изд. “Наука”, 1975. – С. 474. SJIF: 5.051

қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигига эътибор қаратиш зарур.

Прокуратура назоратининг объектларини белгилаш айниқса, электр энергетика соҳасидаги қонунларнинг ижро этилишида назарий ва амалий жиҳатдан муҳимдир. Бошқа соҳаларда бўлгани каби электр энергетика соҳасида ҳам прокуратуранинг ушбу фаолиятга аралашishi фақат қонунда белгиланган ҳолатлардагина амалга оширилади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорат объекти хусусида ҳам турли хил илмий қарашлар билдирилган.

Жумладан, рус олими В.Бессарабов “прокурор назоратининг объекти прокурорнинг назорати остида ҳисобланган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул органлар, ташкилотлар, мансбдор ва бошқа шахслар мажмуи”¹⁷, деган фикрни билдирган.

Профессор А.Ю. Винокуров эса умумий равишда прокурор назорати объектларини аниқлашдаги замонавий ёндашув асосида “назорат объектларини прокуратура тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган органлар ва бошқа тузилмалар, шунингдек, мансбдор шахслар ва бошқа шахсларнинг ҳужжатлари” деб таърифлаган.¹⁸

Профессор Б.Х.Пўлатов эса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганини прокурор назоратининг объекти деб ҳисоблайди.¹⁹

¹⁷ Прокурорский надзор. В 2 т. Том 2. Особенная и специальная части: учебник для вузов / под. общ. ред. О.С.Капинус. – 4-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – С. 83.

¹⁸ Винокуров А.Ю. Объекты и субъекты прокурорского надзора: проблемы законодательной идентификации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. 2011. № 3. – 23 с.

¹⁹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати // Дарслик. -Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2009 й. –139 б.

Яна бир ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи О.М. Мадалиевнинг қарашларига кўра, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолияти йиғиндиси прокурор назоратининг объекти ҳисобланади.²⁰

Бизнинг фикримизча, прокурор назоратининг объекти бўлиб фақатгина вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Аксинча, юқоридаги органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам прокурор назорати объекти ҳисобланади.

Кўрсатилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга мувофиқ бўлиши керак. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси бешинчи қисмида белгилаб қўйилган қонун устуворлиги принципига асосланади. Унга кўра, давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар. Конституциянинг 16-моддаси иккинчи қисмига кўра эса, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин

²⁰ Мадалиев О.М. Прокурор назорати // Дарслик. Умумий қисм. -Тошкент, ТДЮИ. 2009. – 57 б.
SJIF: 5.051

эмас.²¹ Шундан келиб чиққан ҳолда назорат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунлар асосида қабул қилиниши ва унга зид бўлмаслиги лозим.

Электр энергетикаси соҳасида амалдаги қонунларга зид бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўз навбатида, электр энергиясини истеъмол қилувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига ёки ушбу ҳуқуқларни амалга ошишига тўсқинлик қилишга, давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилаётган ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бўлмаслигига, бир сўз билан айтганда, соҳада қонунийликнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда ҳуқушунос олим Л. Акимовнинг прокурор назорати объектларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги билдирган илмий қарашларига қўшилган ҳолда,²² Ўзбекистон Республикасида электр энергетика соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектлари қуйидаги ўзига хос хусусиятлари юзасидан ўз қарашларимизни билдирамиз:

– қонунларнинг бажарилишини текшириш: прокуратура қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб, қонун бузилишларини аниқлаб, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кўради. Мазкур фаолият, жумладан, давлат органлари ва ҳукумат ташкилотларининг ижро этувчи фаолиятига нисбатан татбиқ этилиши мумкин;

– қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишидаги хатоликлар ва қонун бузилишларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш:

²¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

²² Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – С. 82-90.

прокуратура соҳадаги қонунлар, шу жумладан, бошқа турли норматив-хукукий ҳужжатларнинг бажарилишини текширади. Зарурат бўлса, қонун бузилишларига олиб келган ҳолатлар тўғрисида хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

– ҳисоботлар ва молиявий аҳволни текшириш: прокурор назорати объектларига тааллуқли ташкилотларнинг ишлари, айниқса, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотларнинг ҳисоботларининг ишончлилиги ва тўғрилиги, харажатларининг ҳаққонийлигини текшириш, шунингдек, ижро этувчи органлар фаолиятининг амалдаги қонунларга мувофиқлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширади;

– ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлигини текшириш: прокуратура давлат органлари, ижро этувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) амалдаги қонунларга мос келишига эътибор қаратган ҳолда назорат олиб боради;

– қонуний манфаатлар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид вазифаларни бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда прокурор назорати объектини прокуратура тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатларда кўрсатилган органлар ва бошқа тузилмалар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ва содир этилган хатти-ҳаракатлари ташкил этади, деган хулосани илгари суриш мумкин.

Прокурор назорати субъектлари ҳақида фикр юритар эканмиз, рус олими А.Ю.Винокуровнинг нуқтаи назарини кўриб чиқиш жоиз. Ушбу олим ҳақли равишда, прокурор назорати субъектларига назар солар экан, қонунга мувофиқ мансабдор шахслар ва бошқа шахслар тушунилиши керак, деган фикрни илгари суради.²³

Бу шахслар мамлакатимиз “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 20 ва 24-моддаларида кўрсатилган шахслардир.

Юқорида келтирилган нуқтаи назардан фарқли ўлароқ, айрим муаллифлар, афсуски, прокурор назорати объектлари ва субъектларини ажратмайди.²⁴

Бошқа тадқиқотчилар, айниқса, Т.Е.Сушина, прокурор назорати субъектлари ва прокурор назорати муносабатларининг субъектлари тушунчаларини бирлаштириб юборади.²⁵

Прокурор, шубҳасиз, прокурор назорати муносабатларининг субъекти ҳисобланади, аммо прокурор ўз-ўзига назоратни амалга оширадиган субъектлардан бўлиш мумкин эмас – бу ҳолатда прокурор ўз-ўзини назорат қилиши керак бўлар эди. Ушбу нуқтаи назар олимлар В.Г.Даев ва М.Н. Маршуновларнинг илмий ғояларида ўз аксини топган.²⁶

Прокурор назорати фанида яна бир баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масала ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, фуқароларни прокурор назоратининг субъектлари сифатида киритиш масаласидир. Масалан, А.Х.

²³ Винокуров А.Ю. Объекты и субъекты прокурорского надзора: проблемы законодательной идентификации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. 2011. № 3. – 23 с.

²⁴ Қаранг: Казарина А.Х. Избранные труды / сост. Р.В. Жубрин и др.; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., 2014. - 201, 204, 205 с.

²⁵ Сушина Т.Е. Защита прокурором жилищных прав граждан – участников долевого строительства многоквартирных домов: научно-практ. комментарий. М., 2016. – 76 с.; Коробейников Б.В. Прокурорский надзор: учебник. М., 2010. – 16 с.

²⁶ Даев В.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. -Л., 1990. – 68 с.

Казарина шундай деб таъкидлайди: “Фуқаролар бир вақтнинг ўзида прокурор назорати объектлари бўлиши ва аниқ бир прокурор-назорати муносабати субъектлари бўлиши мумкин. 1995 йилдан бошлаб, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Федерал қонунида фуқаролар прокурор назорати объектлари сифатида белгиланган эмас”.²⁷ Ушбу олимнинг билдирган фикрини диққат билан кўриб чиқадиган бўлсак, муаллиф фуқароларни прокурор назорати объектларига киритади ва уларни “Прокуратура тўғрисида”ги қонундан чиқариш натижасида қайсидир зиддиятни кўрсатишга ҳаракат қилади.

А.Х.Казаринанинг фуқароларни прокурор назорати субъектлари каторига киритиш тўғрисидаги қарашлари билан ҳам келишиб бўлмайди. Бизнинг фикримизга кўра, фуқаролар, жисмоний шахс сифатида, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 20 ва 24-моддаларига асосан, прокурор назорати субъектлари сифатида қаралмаслиги керак. Бу ҳолатда фуқарони фақатгина агар у қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса ва прокуратура ушбу тадбиркорлик субъекти фаолияти юзасидан тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг бажарилишини текшираётган бўлса, субъект сифатида қараш мумкин.²⁸

²⁷ Казарина А.Х. Избранные труды / сост. Р.В. Жубрин и др.; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., 2014.

²⁸ Krechetov D.V. Problems of prosecutorial supervision over the implementation of Russian legislation on state and municipal finances. N. Novgorod, 2002. – С 88-89, 115-116.

Шу ўринда, А.Б. Комилов ҳам ўз тадқиқот ишида тадбиркорлик субъектлари ҳам прокурор назорати объекти ҳисобланиши ҳақидаги хулосани илгари сурган.²⁹

Хулоса қилиб айтганда, прокурор назорати объектлари ва субъектларини аниқлаш масаласи прокурор учун муҳим, чунки бу назорат предметини тушуниш билан бирга, ишни тўғри режалаштиришга, прокуратура ходимлари орасида юкламани тақсимлашга ва фақат назоратга олинган органлар ва ташкилотлар бўйича текширувлар олиб боришга имкон беради.

Фикримизча прокурорлик назорати объектлари, электр энергетикаси бозоридаги тижорат ва нодавлат ташкилотларидан ташқари фаолияти прокуратура томонидан назорат қилинадиган қуйидаги давлат органлари фаолиятини ўз ичига олади:

электр энергиясини етказиб бериш (сотиш) билан шуғулланадиган корхона — ишлаб чиқарилган ёки харид қилинган электр энергиясини бошқа шахсларга сотишни асосий фаолият тури сифатида амалга оширувчи ташкилотлар.

Шунингдек, Энергетика вазирлиги ҳамда вертикал интеграллашган собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти функционал тамойилига кўра, тегишли фаолият турлари билан бевосита шуғулланадиган қуйидаги корхоналарга ажратилган:

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти — иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи

²⁹ Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2020. – Б 13.
SJIF: 5.051

электр марказларини бошқарувчи ва “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти – сув-энергетика ресурсларини ягона бошқарув тизимини шакллантирувчи ва гидроэнергетика объектларини марказлашган технологик бошқарувчи ташкилотлар;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти – узатиш тизими оператори ва ягона харид қилувчи функциясини ўзида мужассам этган ташкилот;

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти – тақсимлаш тизими оператори ва электр энергиясини истеъмолчиларга сотиш функциясини бажарувчи ташкилот;

“Энергосавдо” корхонаси – “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини якуний истеъмолчиларга сотиш функциясини бажарувчи давлат чакана савдо корхонаси;

“Ўзэнергосотиш” АЖ – ишлаб чиқарилган барча электр энергиясини ягона харид қилувчи, кейинчалик кафолатланган харид қилувчи сифатида фаолият юритувчи электр энергетика корхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги – электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқ ва шаффофликни таъминловчи қонун-қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш, электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш ва уларнинг лицензия шартларига амал қилишини назорат қилиш каби вазифаларни амалга оширади;

тармоқ ташкилотлари – электр тармоғи соҳасидаги объектларга мулк ҳуқуқига ёки бошқа қонунлар билан белгиланган асосда эга бўлган ташкилотлар бўлиб, улар электр энергиясини узатиш хизматларини кўрсатиш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг энергия қабул қилувчи қурилмаларини (энергетик комплексларини) электр тармоқларига технологик уланишини амалга ошириш ваколатига эга.

Шунингдек, назаримизда ҳукумат қарорига асосан энергия ресурсларини иқтисод қилиш вазифаси юклатилган вазирлик, идора ва муассасалар айнан ушбу йўналишдаги фаолияти нуктаи назаридан назорат объектлари ҳисобланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022 // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
3. Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2017, №4 (32).
4. Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. -Т.: Ношир. 2008.
5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

6. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2020.

7. Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура академияси. 2022 й.

8. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати // Дарслик. -Тошкент, “Ўзбекистон”. 2009.

9. Рахимов Ф.Х. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги Қонуннинг бажарилишини таъминлашда прокурор назорати // Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати (илмий-амалий тўплам). -Тошкент, “Ўқитувчи”. 2000.

10. Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили). Монография. – Т.: “Noshir”, 2011.

11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

12. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

13. Муаллифлар жамоаси. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2019.

14. Идилова Ж.Н. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о защите малого и среднего предпринимательства: состояние и пути оптимизации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: 2012.

15. Абдухакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2023.

16. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009.

17. Логический словарь-справочник / Н.И.Кондаков., отв. ред. Д.П.Горский. – М.: изд. “Наука”, 1975.

18. Прокурорский надзор. В 2 т. Том 2. Особенная и специальная части: учебник для вузов / под. общ. ред. О.С.Капинус. – 4-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019.

19. Винокуров А.Ю. Объекты и субъекты прокурорского надзора: проблемы законодательной идентификации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. 2011.

20. Пулатов Б.Х. Прокурор назорати // Дарслик. -Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2009 й.

21. Мадалиев О.М. Прокурор назорати // Дарслик. Умумий қисм. - Тошкент, ТДЮИ. 2009.

22. Акимов Л.Ю. Деятельность прокуратуры по обеспечению законности в сфере электроэнергетики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010.

23. Винокуров А.Ю. Объекты и субъекты прокурорского надзора: проблемы законодательной идентификации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. 2011.
24. Қаранг: Казарина А.Х. Избранные труды / сост. Р.В. Жубрин и др.; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., 2014.
25. Сушина Т.Е. Защита прокурором жилищных прав граждан – участников долевого строительства многоквартирных домов: научно-практ. комментарий. М., 2016
26. Коробейников Б.В. Прокурорский надзор: учебник. М., 2010. – 16 с.
27. Даев В.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. -Л., 1990.
28. Казарина А.Х. Избранные труды / сост. Р.В. Жубрин и др.; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., 2014.
29. Krechetov D.V. Problems of prosecutorial supervision over the implementation of Russian legislation on state and municipal finances. N. Novgorod, 2002.